O'zbekiston Milliy gerbariysi - mamlakatimizning "oltin" fondi

4 ЖАРАЁН

Ҳар бир вилоят флорасидаги ўсимликларнинг кадастр рўйхати шакллантирилиб, камёб, йўқолиб бораётган турларнинг хариталари тайёрланмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 15 май, 84-сон




Суҳбат

Академик Комилжон ТОЖИБОЕВ:

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ГЕРБАРИЙСИ — МАМЛАКАТИМИЗНИНГ “ОЛТИН” ФОНДИ

Қизилқум чўлининг қайноқ қумларидан то Ҳисор тоғ тизмасининг қорли чўққиларигача бўлган улкан майдоннинг ранг-баранглиги табиий флорамиздаги турларнинг хилма-хиллигига сабаб бўлувчи асосий омил вазифасини ўтайди. Бу — юртимизнинг миллий бойлиги, илмий тадқиқотларнинг битмас-туганмас манбаси. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника институти айнан шу табиий флорани тадқиқ этувчи илмий тадқиқот муассасасидир. Марказий Осиёдаги энг йирик илмий муассасалардан бири ҳисобланадиган мазкур институт бу йил ўзининг 80 йиллигини нишонлайди. Институт директори, академик Комилжон Тожибоев билан суҳбатимиз муассасада олиб борилаётган илмий изланишлар ва янгиликлар хусусида кечди.



ИНСТИТУТНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ИЛМИЙ ҲАМКОРЛАРИДАН ҲИСОБЛАНГАН КУНМИНГ БОТАНИКА ИНСТИТУТИ БИЛАН “ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИ”НИНГ 10 ЖИЛДДАН ИБОРАТ НАШРИНИ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЧОП ЭТИШ БОРАСИДА ҲАМ САЛМОҚЛИ ИШЛАР БАЖАРИЛМОҚДА.

— Бугунги кунда институтда қандай янги тадқиқотлар олиб борилаётир?

— Айни пайтда жадал ривожланаётган янги йўналишлардан бири табиий флорадаги ўсимлик турларини тўр тизимли хариталаш ҳисобланади. Ғарбий ва Марказий Европа мамлакатларида кенг кўлоч ёзган бу тадқиқот йўналиши Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб айнан Ботаника институтида амалга оширилмоқда. Бу тадқиқотларнинг моҳияти шундаки, табиий шароитда флора таркиби ўрганилаётган ҳудуд 5х5 километрдан иборат квадратларга ажратилади. Тадқиқотлар давомида тўпланадиган барча маълумотлар шу квадратлар бўйича жамланади. Натижада биз нафақат умумлашган кўринишдаги ахборот мажмуасига, балки ҳар бир ажратилган квадратлар бўйича ҳар қандай илмий масалалар, жумладан, ўсимлик турларининг сони, зичлиги, замонавий ҳолати, флорани ташкил этган географик элементлар таркиби бўйича қатор саволларга жавоб олиш имкониятига ҳам эга бўламиз. Энг муҳими, бу маълумотларнинг барчаси ракамли форматда бўлиб, таҳлил ва режа қўриқланадиган ҳудудларни ташкил этишни режалаштириш ва камёб турларни сақлаб қолишда экотизимлар кўламида ёндашиш имконини бермоқда.

— Ботаника институти олдида турган асосий вазифалардан бири — мамлакатимиз сарҳадларидаги ўсимликлар хилма-хиллигининг давлат кадастрини юритиш жараёни хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Биз бу тадқиқотлар давомида Ўзбекистондаги мавжуд флора ранг-баранглигини вилоятлар кесимида хатловдан ўтказишга қаратилган илмий ишларни бажарамиз. Тизимли равишда олиб бораётган саъй-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий вилоятлари бўйича кадастр ишлари бажарилди. 2020 йили Бухоро вилояти бўйича изланишлар якунига етади ва 2021 йилдан бу каби изланишларни Тошкент вилоятида ўтказиш режалаштирилмоқда. Бунинг натижасида санаб ўтилган ҳар бир вилоят флорасидаги ўсимликларнинг кадастр рўйхати шакллантирилиб, камёб, йўқолиб бораётган турларнинг хариталари тайёрланмоқда.

Скачать газету (.pdf 3.84 mb)